



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 7 август, № 161 (7119)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 август куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ҳамда стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ва унинг якунлари бўйича эришилган келишувлар амалий ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Фармацевтика ҳамда тиббиёт, ахборот технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга бўла-

жак давлат ташрифи Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ўртасидаги кўп асрлик азалий дўстлик риштала-рига асосланган муносабатларда янги даврни бошлаш, икки томон-лама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қили-ши алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро сиёсат-нинг томонларни қизиқтирувчи долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Сушма Свараж давлатимиз раҳбарига са-мимий қабул учун чуқур миннат-

дорлик билдириб, Ҳиндистон Рес-публикаси Президенти Рам Натҳ Ковинд ҳамда Бош вазир Нарендра Моди-нинг саломи ва эзгу тилак-ларини етказди.

Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистон-да мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш бораси-да амалга оширилаётган кенг қўла-мли ислохот ва ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Ҳиндистон мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик, барқарор-лик ҳамда тараққиётни таъминлаш

борасидаги ташаббусларини юксак қадрлаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Сушма Свараж Ҳиндистон Рес-публикасининг Ўзбекистон Респу-бликаси билан кўп қиррали ҳамкор-лик ва стратегик шериклик муно-сабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлари қатъий эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
суратлари.

Парламент ҳаёти

Сурхондарёлик фермерлар билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Сурхондарё вилоятида фермерлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Жумладан, Музработ, Термиз ва Ангор туманлари фермерлари билан бўлиб ўтган учрашувда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, оқсоқоллар, ҳудуднинг туртта сектори ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раислигида жорий йилнинг ўзида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича 3 марта кенгайтирилган видеоселектор ўтказилди ва уларда ҳудудларимизнинг аграр салоҳиятини ошириш, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантириш бўйича кечиктирилб бўлмайдиган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда нафақат масъул вазирлик ва идораларнинг, балки барча даражадаги вакиллик органлари, жумладан, парламент аъзолари, депутатлар ва жамоатчилик фаолларининг ҳам роли кучайтирилди.

Учрашувда Президентимиз раислигида шу йилнинг 31 июль куни ўтказилган ва ғўза ривожини жадаллаштириш, ғалла ўримида бўшаган майдонларга такорорий экинлар экиш, аҳоли томор-қасидан самарали фойдаланиш ҳамда қишлоқ ҳўжали-ги махсуслотларини экспорт қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган долзарб вазифалар ихроси, қишлоқ ҳўжалиги махсуслот-лари ишлаб чиқарувчилар учун яратилаётган шароит-

лар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Бу йил вилоятдаги 3 минг 48 фермер ҳўжалиги 78 минг 500 гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришламокда. Айни пайтда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун воҳада тегишли чора-тадбирлар кўрилмокда. Об-ҳаво меъёридан иссиқ бўлаётгани соғ “шарбат” усулида туңги суғоришга, культивация, ғўзани чилиш ва бошқа дала юмушларини сифатли ташкил этишга эътибор қаратилмокда.

Ғўза парвариши учун муҳим паллада бу борадаги ишларни сифатли бажариш ҳосилга ҳосил қўшишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ айрим ҳудудларда ғўза парваришида камчиликларга йўл қўйилмокда, сектор раҳбарлари масъулиятни чуқур ҳис этмаётир. Учрашувда шулар ҳақида фикр алмашилиб, ғалдаги вазифалар белгилаб олинди.

Шеробод ва Қизилқум, Олтинсой, Узун, Денов ва Сарисой ҳамда Жарқўрғон, Шўрчи ва Қумқўрғон туманлари фермерлари билан ҳам учрашувлар ўтказилди.

Тадбирларда ғалла етиштиришда, ғўза парваришида энг кўп фаоллик кўрсатган илгор, тажрибали фермерлар, механизаторлар ва сувчиларга Президентимиз номидан қўimmatбаҳо совғалар топширилди.

Учрашувларда Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев ва Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонун устуворлиги, қатъий интизом ва ижро масъулияти

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ҳайъатининг видеоселектор тарзидаги навбатдан ташқари
мажлиси бўлиб ўтди.

Ички ишлар вазири Пўлат Бобоқонов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 27 июль куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқларни ижрога қаратиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармасидан хабар қилишларича, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходимлари, Бош прокурор Отабек Муродов, шунингдек, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг раҳбар ходимлари, ҳудудлардаги прокуратура ва ички ишлар органлари бошлиқлари иштирок этди.

Мажлисда сўнгги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан ички ишлар органларига ўтказилаётган

тарихий аҳамиятга эга кенг қамровли ислохотларнинг барчаси тизимни аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатишдан, ҳар бир ходим “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган про-

Тадбир

фессонал тузилмага айлантиришга қаратилганлиги, шу мақсадда ўтган даврда фаолиятнинг барча йўналиши танқидий қайта кўриб чиқилиб, замон талабларига мос равишда тақомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги, чинакам халқларар ички ишлар органларини шакллантириш нуктаи назаридан куч ва воситаларининг асосий қисми қўйи тизимларга ўтказилиб, аҳолига имкон қадар яқинлаштирилганлиги ва бу ишлар ҳозирги кунда ҳам босқичма-босқич давом эттирилаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида

ички ишлар органлари фаолияти самардорлигини ошириш, халқимизнинг тинч ва оқсоқил ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши натижа-сида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан республика бўйича жиноят со-дир этиш ҳолатлари 13 минг 599 тага ёки 38,67 фоиз, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар эса 8 минг 568 тага ёки 38,86 фоиз камайган.

Йиғилишда Президент раислигида 27 июль куни ўтказилган мажлисда кўтарилган муҳим масалалар, шу жумладан, “Жиноят ҳақиқати ва адолат” тизимини амалиётга кенг жорий этиш масаласига алоҳида ўхталиб, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятларни фош этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда қонунийлик, адолатчилик ва тежорлик принциплари устуворлигини сўзсиз таъминлаш, ортда инсон тақдирини бўлган ҳар қандай жиноятга, унинг оғир-енгиллигидан қатъи назар, қатта эътибор билан ёндашиш ва унинг чин сабабларини аниқлаб, бартараф этиш чоралари ўз вақтида таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

➡

ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА КАМАРБАСТАМИЗ

Президентимизнинг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоасига йўллаган табригида “...мамлакатимиз темир йўл тизими мустақил давлатимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Утган чорак аср давомида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўljалланган стратегия асосида тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича улкан бунёдкорлик ишлар амалга оширилди”, дея алоҳида таъкидланган.

Дарҳақиқат, юртимиз ривожига темир йўл тармоғининг, мазкур жаҳонда меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг салмоқи ҳиссаси бор. Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан соҳа ходимларининг бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлангани уларнинг меҳнати ҳам қадр топиб, юксак баҳоланаётганидан далолатдир. Зотан, бундай эътибор уларни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундаши табиий. Буни қўйидаги фикрлардан ҳам билиш мумкин.

Собир ҲАМРОҚУЛОВ,
Ховос сигналлаштириш ва алоқа
масофаси катта электромеханиги,
“Дўстлик” ордени соҳиб:

— Кўп йиллардан буён шу соҳада ишлайман. Яъни темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини, алоқа ва ишорат ускуналарининг беникус ишлашини таъминлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш жамоамизнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Эътироф этиш керакки, йил сайин тизимимиз ҳам техник жиҳатдан янгиланиб бормокда. Хусусан, янги ускуналар ўзининг тез, аниқ ишлаши ва ихчамлиги

билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, микропроцессорли тизим туфайли эндиликда навбатчи бир вақтларда бўлганидек, вагонларнинг паркка қариб келганлиги ёки келмаганлигини ташқарига чиқи ёмас, иш хонасининг ўзида билиши мумкин. Бизнинг тақлифимиз билан йўлга қўйилган янгилик эса алоқа ва ишорат ускуналарини совитишда фойдаланиладиган сув тармоғидаги босим ҳақида маълумот бериб туради. Мазкур автоматик назорат хавфсизлик воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

Шавкат НАЗАРОВ,
Бухоро локомотив депоси тепловоз
машинисти, “Шуҳрат” медали соҳиб:

— “Йўл азоби...” деган иборани кўп эшитганмиз. Назаримда, транспорт тизими, айниқса, темир йўл соҳасининг жадал ривожланиши туфайли бу нақл энди ўтмишда қолиб кетди. Ҳозир поездда йўлга отланган киши учун манзилга етиб олиш машаққат эмас, роҳатдир. Мисол учун, Тошкент — Бухоро йўналишида катновчи “Afrosiyob” тезюрар поезди йўловчиларни атиги 3 соату 40 дақиқада манзилга етказиб қўймоқ-

да. Бухоро — Мискин янги темир йўл тармоғининг электрлаштирилаётганини айтмайсизми?!

Ишонч кишига куч бағишлайди. Касб байрамимиз муносабати билан Президентимиз Фармониға мувофиқ, тақдирланганлар қаторида исм-шарифимни кўриб, бе-ниҳол тўқинландим. Эътибор касбимга бўлган меҳримни янада оширди. Бундан сўнг ҳам сидқидилдан ишлаб, халқимизнинг оғирини енгил қилишдек олижаноб мақсад йўлида куч-ғайратим, тажрибамни аямайман.


ДУНЁ НИГОҲИ



«Ўзбекистон — Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик шериги»

Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимнинг юртимизга амалга оширган расмий ташрифи бўйича ҳинд оммавий ахборот воситалари қатор мақола ва репортажларни беришда давом этмокда.

Хусусан, марказий “The Times of India” газе-тида чоп этилган материалда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ички ва ташқи сиёсатда бош-



ланган ислохотлар Нью-Делининг Ўзбекистонга кизиқиши кескин ортишига хизмат қилгани таъкидланади. “Расмий Тошкент ташқи сиёсатда проактив дипломатия, ташаббускорлик ва фаол ҳамкорлик тамойилларига амал қилмокда. На-тижада икки мамлакат ўртасидаги минг йиллардан бери давом этиб келаётган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янгича руҳ билан ривожланиши кутилаётир”, деб ёзилади нашрда.

“India TV” телеканалда намойиш этилган махсус кўрсатувда Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатларига яқин дўстлик ва стра-тегик шериклик сифатида баҳо берилади. Телеканалда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ҳиндистоннинг қабул қилинишида муҳим ўрин тутгани эслатиб ўтилади:

“Ҳиндистон Бош вазир Нарендра Модиди 2015 йил июль ойида Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган эди. 2016 йил июнь ойида эса Н. Модиди Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган 15-юбилей саммитида иштирок этди. Айнан мана шу саммитда Нью-Делининг ШХТга аъзоликка қабул қилинишига доир асосий ҳужжат — “Ҳиндистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш бўйича мажбуриятлари ҳақида”ги меморандум имзоланганди”.

➡

Тақдимот

Абадий дўстликнинг ёрқин намунаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида улуғ тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг “Муҳаббат маҳзани” китоби тақдими бўлиб ўтди.

7-8 август кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтадиган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Низом Қосим, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Содик Имомий, адиблар, олим

ва таржимонлар, ёшлар қатнашди. Тадбирда ўзбек ва тожик халқларини азалий дўстлик, умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик бирлаштириб туриши, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуслари билан ўзаро муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

➡



Муносабат

Абитуриентлар учун тест синовлари бошланганига, мана, бир ҳафта бўлди. Имтиҳонлар аввалги йиллардагига нисбатан тубдан ўзгариб, тестни ўтказиш жараёни, саволларни тузиб чиқиш ва бошқа жиҳатлар ислоҳ қилинди. Булар энди кенг ва қулай, қузатув камералари билан жиҳозланган павильонларда ташкил этиляпти. Тест топшираётган йигит-қизларни уларнинг ота-оналари, яқинлари ва кенг жамоатчилик катта мониторлар, шунингдек, интернетдаги www.test2018.uz портали орқали бевосита кузатиб бормоқда.

Биламизки, шу пайтгача қабул жараёнлари учун имтиҳонлар фақат 1 август куни бўлиб ўтарди. Турган гапги, бир кунда олти юз мингга яқин йигит-қизларнинг чинакам билимини синовдан ўтказиш жуда мушкул иш эди. Бу турли адолатсизликларга йўл очиб, айниқса, халқимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди. Президентимиз эътибори туфайли қабул жараёнларидаги адолатни, ҳалолликни таъминлаш мақсадида тест синовлари ўтиш муддати 15 кун этиб белгиланди. Натижалар бир кундан кейиноқ эълон қилина бошланди. Назоратни кучайтириш мақсадида синовлар кенг павильонларда ташкил этилаётгани ҳам диққатга сазовор.

ҚУЛАЙЛИК

Ҳаққонийликни таъминлаш осон иш эмас

— Пойтахтимизда тест ўтаётган бинолардан бири — “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуи-га абитуриентлар тегишли органлар ходимлари томонидан махсус ускуналар ёрдамида текширилгач, киритилмоқда, — дейди назоратчилардан бири Раҳимжон Мамаюнов. — Синовларнинг тартибли, юқори савияда, белгиланган талаб ва меъёрларга мос ҳолда ўтказилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилган. Белгиланган павильонлар барча жиҳоз ва ускуна, ўқув воситалари билан таъминланган.

Дарҳақиқат, қузатувларимиз давомида абитуриентлар тест ўтказилаётган биноларга шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар орқали текширилиб киритилаётганига гувоҳ бўлдик. Имтиҳон жараёни ҳам видеоқузатув мосламаларига ёзиб олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида Call-center ташкил этилган. Қабул жараёнлари, тест синовлари ва Давлат тест маркази фаолияти билан боғлиқ барча савол бўйича 11-95 қисқа рақамига бўлаётган муножаатларга жавоб бериш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 12 нафар масъул ходим бириктирилган. Тармоққа уланган 6 та телефон линия доимий ишлаб турибди.

Шундай муҳим бир паллада, ажабки, кўплаб йигит-қизларнинг имтиҳонларга келмаётгани ҳам кузатилмақда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Азиз Абдуҳакимов “Facebook” ижтимоий тармоғидаги са-

Тест синовлари: АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

ҳифасида маълум қилишича, 1 — 5 август кунлари ўтказилган тест синовларида **290 минг 44 нафар** абитуриент қатнашди. **6442 нафар** йигит-қиз эса тест синовларига келмади ёки кечикиб келгани учун киритилмаган.

Шу ўринда яна бир гап: қарс икки кўлдан чиқади, дейдилар. Фарзандини турли нопок йўллар билан ўқишга киритиш учун ўзини ўққа-чўққа ураётган, ҳали у, ҳали бу университет домласининг эшигини тақиллатиб юрган ота-оналар ҳам кам эмас. Улар билиб қўйиши керакики, қинғир ишнинг қийини барибир чиқади. Пора билан ўқишга кирган бола эртага бирор жойга ишга кирганидан сўнг уша “ҳаражатлар”ни қоплашни ўйлайди. Бундан ташқари, пора олиш ҳам, уни бериш ҳам — жиноят. Қонуларда ҳар иккисига ҳам бирдек жавобгарлик белгиланган.

ФИКР

Ижтимоий тармоқларда

Бу йилги қабул жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати — тест жавобларининг эртаси кунийёқ маълум бўлаётгани. Галвир сўвдан кўтарилиб, билимлар синовига қим қандай тайёргарлик кўрган тезда ойдинлашмоқда. Ҳамюртларимизнинг кўпчилиги жорий йилги имтиҳонларнинг алоҳида эътибор ва назорат остида ўтаётгани, жараёнда адолат ва шаффофлик таъминланиб, ҳақиқий билимли ёшлар талабалик бахтига

мушарраф бўлаётганидан хурсандлигини яширмаётган бўлса, яна кимлардир ҳали ҳам қонун-қоидалар бўзилаётгани ва турли қинғирликлардан фойдаланилаётгани ҳақида гапирмоқда. Албатта, ҳамма ўз фикрини билдиришга ҳақли. Лекин улар тўғри ёки нотўғри эканига биз ҳакамлик қила олмаймиз.

Айрим мисолларга эътиборингизни қаратсак. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири Холида Комилованинг ёзишича, “Авваллари шоввозлар барибир урдасидан чиққан, “бунқер” ва “ректор гуруҳлари” ишлаган. Бу йил ундай фирромликлар кўзга ташланмади”. Яна бир фойдаланувчи Шўҳрат Сатторов эса “Ахборот технологиялари корруция ва ноҳақликка максимал даражада чек қўя олди.

кўра, тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар 20 августдан 30 августгача (белгиланган иш вақтига мувофиқ, дам олиш кунларисиз ўн бир календарь куни ичида) бўлган муддатда апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Абитуриентга апелляция шикояти қабул қилинганлиги тўғрисида уч иш куни ичида хабарнома берилади. Шикоятчи хабарномада белгиланган кунда ўзининг паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан келиши шарт.

Апелляция Давлат тест марказида ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги бўлимларида қабул қилинади. Шикоятга абитуриент рухсатномасининг нусхаси илова қилиниши керак. Апелляция шикояти кўри-

зилмаган, йиртилган бўлса, шунингдек, тест синовларидан четлаштирилган ёки ўзининг жавобларини ёзма равишда баён қилмаган абитуриентнинг апелляция шикояти кўриб чиқилмайди. Абитуриент апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

МУНОСАБАТ

Абитуриентлар нима дейди?

Жойлардаги ўрганишлар чоғида вилоятлардаги ўз муҳбирларимизга абитуриентларнинг кўпчилиги бу йилги имтиҳонлардан қўнгли тулганини билдирган.

Фахриддин МАННОНОВ, Сурхондарё вилояти, Денов тумани: — Олий маълумотли бўлиш истағида бу йил бешинчи маротаба ҳужжатларимни Термиз давлат университетининг амалий математика ва информатика йўналишига топширдим. Ҳар йили омадим чопмай, талаба бўлиш бахтига эриша олмаганимдан руҳан эзилардим. Бироқ йўқилган курашга тўймас, деганларидек, қайта-қайта ўз мақсадим сари интилавердим. Ва ният, бу йил озуёйимга етдим.

Бу йилги тест синовларининг адолатли ва шаффоф тарзда ўтказилиши мен каби ёшлар учун, айниқса, омад қалити бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакики, имтиҳон жараёнларини ота-онам ўрнатилган катта экран орқали кузатиб тургани ҳам менга катта далда, руҳий қувват берди. Ҳолбуки, авваллари айрим абитуриентларнинг “шпаргалка”дан фойдалангани ёки аудитория қузатувчисининг қимгадир “беминат ёрдами”га гувоҳ бўлиб, адолатсизликдан қаттиқ ранжиган пайтларим ҳам бўлган.

Фарҳод АБДУҲАМИДОВ, Наманган вилояти, Норин тумани: — Ҳаққулобод тиббиёт коллежини битирганимга тўрт йил бўлди. Ўтган уч йил давомида олий ўқув юртига киришга астойдил ҳаракат қилдим. Билимим етарли эмаслигини ёки йўлини тополмадикми, омадим чопмади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил тест синовларини ўтказишда ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш, қабул жараёнларининг барча босқичида шаффофликни таъминлаш борасидаги қатъий тадбирлар ўз натижасини берди. Минглаб интилувчан ёшлар қатори ўқиганларим ўз натижасини кўрсатди. Наманган давлат университетига ҳужжат топшириб, етарли балл тўплашга муваффақ бўлдим. Синглим Ҳамида ҳам талабалик бахтига эришди. У шу университетнинг мактабгача таълим факультетида кирди.

Ўқитувчи оиласида ўсганимиз. Отам билим ўз кучини кўрсатади, деган фикр-ни ҳамisha қўлогимизга қўйиб келган. Айтганларини қилиб, синглим иккаламиз, кечроқ бўлса-да, олий таълим олиш имкониятига эга бўлдик. Бу, энг аввало, жорий йилги тест синовлари ошқоралик шароитида ўтгани, пухта ҳозирлик-ни меваси, десам, тўғри бўлади. Биргина мен эмас, бизники сингари оддий оилаларнинг талабалик бахтига муяссар бўлган фарзандларининг фикри ҳам шу.

Ҳусан ТОШПҲАТОВ, Сирдарё вилояти, Ховос тумани: — Биринчи йил киролмаганимда, эҳтимол, яхши тайёргарлик кўрмагандирман дея ўзимга таскин бердим. Шу боис, келгуси қабул синовларига шундай пухта ҳозирлик кўрдимки, энди талаба бўлишимга ҳеч шубҳам йўқ эди. Аммо... яна “йўқилдим”. Бу йил Гулистон давлат университетига ҳужжат топширдим. Икходий имтиҳондаги чиқилган юқори баҳоланди. Давлат гранти асосида тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишига ўқишга қабул қилиндим. Озуёйимга етганимнинг асосий омиллини бу йил олий ўқув юртларига кириш тартибларининг ҳаққоний, шаффоф ва очик ҳолда ташкил этилганида деб биламан. Айниқса, тасвирий санъат ҳамда бошқа иходий йўналишларда ёшларнинг ўзлари танлаган соҳалардаги қобилияти бош мезон қилиб олинганлиги жуда адолатли ёндашув бўлди.

Ўзим оддий оила фарзандиман. Отам “Сирдарё ИЭС қурилиш” ташкилотида қоровул бўлиб ишласа, онам уй бекаси. Ўқишга кирганимдан нафақат ота-онам, яқинларим, балки қўни-қўшниларимиз ва маҳалламиз аҳли жуда хурсанд. Улар “Мана, ўз билими билан ўқишга кирса ҳам бўлар экан-ку!” дейишмоқда.

ЯНА БИР ГАП

Мавзунини ўрганиш жараёнида Самарқанд шаҳрида яшовчи 40 ёшли Анвар Бекмуродов 18 йилдан буюн талаба бўлишни орзу қилиб, ҳар йили турли олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётгани ҳақида маълумотга дуч келдик. Аммо унинг шу пайтга қадар омади чопмаган. Жорий йилда А. Бекмуродовнинг 17 ёшли қизи Нозанин Бекмуродова ҳам Самарқанд давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширган.

Унинг бу йил руҳи баланд. Тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан қўнгли тўқ абитуриент, ният, талаба бўлишига ишонади.

Имтиҳонларнинг шаффоф ўтишига инсонларда ишонч пайдо бўлган ҳам катта ютуқ ҳисобланади. Зеро, ишонч бор жойда ҳаракат, эртанги кунга умид бўлади. Умид эса доимо юксалишга пойдевордир.

Муҳбирларимиз материаллари асосида Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.

«Халқ сўзи» сўровномаси

Юртдошларимизнинг фикрини билиш мақсадида “Халқ сўзи” газетасининг “Telegram” мессенжеридagi каналида “Сизнингча, бу галги тест имтиҳонлари аввалги йилларга нисбатан адолатли ўтятилми?”, деган савол билан сўров ўтказдик (Бу маълумот билан инфографикада танишишингиз мумкин).

Унда иштирок этганларнинг 54 фоизи “Ҳа, олдинги йиллардан яхши”, деган жавобин берган.

Кўриниб турибдики, бу йил имтиҳонларнинг ташкил этилиши кўплаб юртдошларимизни қониқтирмоқда. Улар янги тартиб ва қулай шарт-шароитлар асосида ўтказилаётган тест синовини фанларни чўқур ўзлаштирган, билимли, интеллектуал ёшлар учун талаба бўлиш бахтини улашайётганига ишонмоқда.



«Шпаргалка» эмас, билим билан келинг!



Астойдил тайёргарлик кўриб, билимига ишониб, тест синовлари топширишга келаётган йигит-қизлар билан бирга, афсуски, турли қинғир йўллар орқали талабалар сафига кириш илнжидаги абитуриентлар ҳам учраб турибди. Ана шундай нопок ниятдаги, эгри йўлдан боришга уринаётганларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фшэтяпти. Улар тестдан четлаштирилмоқда.

Маълумотларга кўра, 1 — 5 август кунлари **807 нафар** абитуриент тест синовлари бўладиган ҳудудга мобил телефон, “шпаргалка” олиб киришга ва ўзганинг ўрнига киришга, **692 нафари** бино ичида “шпаргалка”дан фойдаланишга ва бошқа абитуриентларга ёрдам беришга уринганлиги учун тест топширишдан маҳрум бўлди.

Ачинарли жиҳати шундаки, синовлар адолатли ўтиши учун шунча саъй-ҳаракатлар қилинаётган, назорат кучайтирилаётган бўлса-да, айрим удабўронлар қинғирликларнинг янгидан-янги усулларини қўллашга уринишмоқда. Наҳотки, бу хатти-ҳаракатлар бефойда эканини билишмаса? Наҳотки, вийдон бўлмаса? Хатто, ҳеч тап тортмай, қонундан қўрқмай, паспортни қалбакилаштириш орқали ўқишга киритиб қўймоқчи бўлган олғирлар учраётганига нима дейсиз?

Келинг, бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази тақдим этган маълумотларга ҳам эътибор қаратсак.

Жаҳонғирмирзо Фозилов 24 ёшда. У паспортни шундай усталик билан сохталаштирганки, бир кўришда унинг қалбаки эканини аниқлаш қийин. “Учар” йигит ўз “махорат”и билан 3 та олий ўқув юртига

қалбакилаштирилган ҳужжатларни топшириб, мўмайгина даромад олишни мақсад қилади.

Сохта абитуриент аввал ҳам фибрибгарлик қилгани учун 2 маротаба судланган. Охирги марта 2018 йилнинг июль ойида унга нисбатан фибрибгарлиги учун ҳукм чиқарилган. “Буқрини ёрм тўғрйлайди”, деганларидек, Фозилов ўтган ишлардан тўғри хулоса чиқармай яна қинғир иш орқали пул топишга қўл уради. Лекин унинг фаолиятига Бош прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Тошкент давлат юридик университетидagi имтиҳонлар жараёнида чек қўйилди.

У ажирлик билан барча текширувдан эсон-омон ўтиб, тест синовини тугашига бир соат қолганида қўлга тушди.

— Паспорт эгасининг расми ўрнига бошқа суратни қўйиб, аппаратдан ўтказдим,

дазмол босиш йўли билан сохталаштирганман, — дея қилмишини изоҳлади Ж. Фозилов. — Тайёрланган ясама паспорт билан имтиҳонларга кирмоқчи эдим. Шу тариқа 7 та текширувдан ўтдим. Аппаратларни бозорга олиб чиқиб сотиб обордим. Қилмишларимдан пушаймонман.

Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари Сурайё Раҳмонованинг таъкидлашича, Фозилов ва шунга ўхшаш бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб, 15 миллион сўм ҳақ эвазига фуқаро Усмоновни Тошкент давлат юридик университетига юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилган. Шу боис Усмоновга тегишли фуқаролик паспортини қалбакилаштириб, у билан Усмонов номидан тест синовларида иштирок этаётгани аниқланган. Фуқаро Фозилов ва бошқаларга нисбатан тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди.

“Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади”, деган нақл бор. Буни қарангки, Фозилов каби қонуни челаб, энгил-елли пул топиш ниятида юрганларнинг қинғир ишлари қирқ йил эмас, 40 кун ҳам



куттирмаяпти. Адолат бунга йўл қўймайди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Биометрик паспортда фуқаронинг рақамли фотосурати, бармоқ излари туширилган биологик маълумотларни ўз ичига олган махсус электрон чип жойлаштирилган бўлади.

Наҳотки, имтиҳон куни шахсни идентификация қилиш асбоблари ва видеофиксация қурилмалари абитуриентнинг паспортни сохта эканлигини аниқлай олмаган бўлса? Таажубки, бу ҳолатнинг ўзи ҳам масъул ташкилотлар олдида ечилиши лозим бўлган ўта жиддий масалалар борлигини кўрсатади.

Шунингдек, тест синовлари

куни айнан қинғирликларнинг олдини олишга масъул қилиб қўйилган гуруҳ назоратчиларининг ҳам бино ҳудудига мобил алоқа воситасини яшириб олиб кириш ҳолатлари ҳам учраган. Бу ҳам ўз ўрнида имтиҳонларда адолатнинг тўлиқ таъминланишига соя солади. Аввало, тартибга қатъий риоя қилишни гуруҳ назоратчилари ўзларидан бошлашса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Булар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонининг дастлабки кунларидa фoш этилган хунук ҳoлатлардан баъзилари эди, холос.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Мушоҳада

Машҳур кинофильмдаги “Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши!”, деган сўзлар бир истироҳат боғи кираверишига ёзиб қўйилганини кўриб, баъзилар ажабланишса, кўпчиликл ўша фильмни эслаб, беихтиёр табассум қилишарди. Энди ҳаёт ўзгарди. Аҳолининг мазмунли дам олиш, ёшларнинг тарбия маскани — истироҳат боғларининг миллий қиёфада бўлиши кераклигига аҳамият қаратилди. Шу тариқа баъзи анъаналар четга сурилиб, ҳатто бундай боғларга кўрк бағишлаб турган даракларнинг кесиб ташланиши сади кўр-кўрона ҳолатлар ҳам содир бўлди.

ИСТИРОҲАТ
БОҒИ
ҳордиқ чиқариш учунми

ёки?...



Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас, Тошкентдаги энг гавжум Гафур Ғулом номидаги истироҳат боғи мисолида тутилган баъзи фикр-мулоҳазалар атрофида боради.

— Ўз фаолиятим давомида кўплаб қурилиш ишларида иштирок этганман, — дейди асли касби қурувчи бўлган Ҳўжамурод Тўрақулов. — Ёшим етмишга етиб, ҳозиргидек шиддатли ўзгаришларни кўрган эмасдим. Айниқса, истироҳат боғларини айтмайсизми? Болажонларнинг қувноб-қийқиришлари, сув ҳавзаларида ўйнашлари, музқаймоқ ялаб, маданий ҳордиқ чиқаришлари кимнинг ҳам ҳавасини келтирмайди, дейсиз? Аммо бу боғлардаги аҳвол кишини кўп ҳам қонқиртирмайди, эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар жуда кўп.

Ҳўжамурод ака ўзи истиқомат қиладиган Чилонзор туманида жойлашган Гафур Ғулом номидаги истироҳат боғига бир гал невараларини етаклаб бориб, пушаймон еганини таниш-билишларига айтганида, “Кўйинг-э оксоқол, инжиқ бўлиб қолибсиз, одам ҳар нарсадан камчилиқ излайверар экан-да”, деб ундан домангир бўлишган эди.

Аслида, бу ерда аҳвол қандай?

Иссиқ тафти тушмаётган шу кунларда барча соя-салқин жойлар каби меҳнат фаҳрийси тилга олган Гафур Ғулом номидаги истироҳат боғида ҳам одам кўп. Болаларини етаклаб келаётганлар кўриниши заҳотиёк боғ кираверишида, тепароқда жойлашган дарвоза ёнида ўз “маҳсулотлари”ни сотмоқчи бўлаётганлар ҳар ёқлардан қочиб келишади. Улардан бири оёқ остига қўйган эски қонининг ичида қачон пишрилгани номасўл, “думбўл” деб аталувчи маккажўҳори сўталарини яланғоч қўлга олиб кўрсата бошласа, иккинчиси пахтақандини мақтайди, учинчиси бурнингиз остига ҳўрозқандини тикиштиради. Истироҳат боғи дарвозаси эмас, шовқин-суронга тўла бозор.

— Айниқса, ёзининг иссиқ кунларида бундай жойларда гигиенага қатъий риоя этилмаса, салмонеллёз кўзгатувчиси каби ўткир юқумли касалликлар ташувчи вируслар хавфи кўпаяди, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Ҳўжамурод Нурматов. — Қорин тифи касаллигида етакчи юқш омил фифос сув ҳисобланса, ичбурғу ва салмонеллёз зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларидан келиб чиқади.

“Қайноқ думбўл, арзонга бераман, кеп қолинг-ла-ар!”, деб қичқираётганлар, албатта, бунга ҳаёларига ҳам келтиришмайди. Бола-да, кўзи тушган нарсаси хаваси кетади, ота-онанинг қўнғили бўлмай олиб беришдан ўзга илоҳ тополмайди. Инчарига қирғач эса ўтириб ейдиган жой тополмай, дили баттар ҳуфтонлашади.

Боғ ўртасидаги қўлда чўмилиш мумкин эмаслиги ҳақида ҳар-ҳар жойда огоҳлантиришлар ёзиб қўйилган. Аммо қўл атрофида биров майкачан, биров ярымланғоч ҳолда ўтлар ва ўзлари олиб келган матолар устида ўтиришгани, ёнбошлаб ётишганини кўрасиз. Унда-бунда учрайдиган ўриндиқлар бу ерга келиб-кетувчилар учун етарли эмаслиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

— Фавворалар олдида борсанг ҳам нафасинг сиқилади, нега бунақа экан-а? — хайрон бўлади невараларини олиб келган қария оғир нафас олар экан. — Шовқин-сурони қулоқ-мияни ейди.

Қариянинг нафаси сиқилиши бежиз эмас: бу ерда бир қарич ҳам бўш жой йўқ. Унлаб аттракционларнинг товуши, қийқириқлар, устига-устак, ҳаддан ташқари баланд овозда бўлгани учун киши руҳига ором бағишлаш ўрнига жигига тегиб, асабини кўзгайдиган ашулола мусикалар ҳар қандай кишини холдан тойдириб юради.

Ҳозир дунёнинг турли бурчақларидан, айниқса, Хитойдан бундай боғларга турфа аттракционлар келтириб ўрнатилмоқда. Айтмиларича, мазкур боғда бундай фаолиятнинг камида етмиш тури тadbirkorларга тегишли экан. Аммо фарзандларимиз тарбиясига, уларнинг руҳиятига бу аттракционлар қандай таъсир қилиши, қош қўяман деб кўз

чиқармаслиги масаласи билан, табиийки, уларнинг иши бўлмайди. “Сувда саёҳат”, “Денгиз тўқини” кабилар қатори “Бесконечное небо”, “Вертолётки”, “Бесконечный лабиринт” деб аталадиган аттракционлар, нари борса, уч дақиқа ичида уч-тўрт минг сўмини қочиштириб олади. Истироҳат боғи майда тижоратчилар, ишбилармонлар, олиб-сотувчиларнинг “макони”га айланиб қолганидан тегишли ташкилотлар, мутасадди идораларнинг хабари бормикан?

Бундай аттракционларда битта бола учун бир соатга етиб-етмай қирқ-эллик минг сўм сарфлашга тўғри келади. Бошқа харажатлар билан қўшиб ҳисоблаганда, масалан, ярим кун ичида битта бола учун тахминан юз минг сўм лозим бўлса, тўртта болани етаклаб келган ота-она тўрт юз минг сўмининг бахридан ўтишга мажбур бўлади. Мамлакатимизда энг минимал маош миқдоридан келиб чиқиб, бу ёғининг ҳисобини ўзингиз қилиб олаверинг.

Маълумки, бундай жойларда болакайларни ҳар хил жониворлар ёнида ёки уларни устига миндириб суратга тушириш урф



да шу тариқа мулоҳаза юритиш учун мисоллар тўлиб-тошиб ётганини афсус билан айтиш керак. “Синема” деб ёзилган, мультфильмлар сотиладиган дўкон ичидан дахшатга солувчи қандайдир овоз чиқиб тургани унинг ёнидан ўтаётганларни ваҳимага солса, реклама қилинаётган мультфильмларнинг номлариёқ уларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганини аниқ-равшан кўрсатиб турибди. “Рекс”, “Американские горки”, “Мертвий дом”, “Парк ужасов”, “Ужастики”, “Привидения: проклятие крови”, “Горки катастрофа”, “Злой волшебник” сингари номларнинг ўзгича болалар онгидан нечоғли дахшатли манзаралар ҳосил қилар экан? Борди-ю, уларнинг мурғак тасаввуриди ана шу нарсаларга ҳавас, иштиёқнинг уруғлари ташланиб қолса-чи? Бундай бўлмаслигига ким қафолат бера олади? Бу дахшатли номлар фониди акс эттирилган суратларни қандай изохлашни ҳам билмайсан киши. Чалғи кўтарган скелетлар, кўзидан олов сачратаётган, юзи, бадани оқиб тушган махлуқлар... Дунё адабиётинида иблис ва ажал фаришталари Аид, Харон, Мефистофель, Люцифер, Воланд сингари турли номлар билан аталиб, мумтоз асарларда акс эттирилган. Бироқ улар эзгулик ва ёвузлик ўртасида бу ҳаётнинг мазмун-моҳияти, яшашдан мақсад сингари умумбаشارий



З

ўравонлик, маънавий бузуқлик, терроризм балоси бутун дунёга таҳдид солиб турган бугунги таҳликали замонда бундай ўзимиз тарғиб қиладиганимизни қондой изохлаш мумкин? Яна қандай жойда денг — ёш авлоднинг маънавий тарбиясида аҳамияти юксак бўлган истироҳат боғида! Одамлар ҳордиқ чиқариш учун вақт топиб борадиган масканда! Мазкур истироҳат боғининг ҳар қадамида, ҳор бурчагида шу тариқа мулоҳаза юритиш учун мисоллар тўлиб-тошиб ётганини афсус билан айтиш керак.

бўлган. Ота-оналар учун ҳам, уларнинг ўзлари учун ҳам бундай суратлар мусофдо болалик чоғидан бир эсдалик сифатида оила алабқомларини умрбод безайди. Аммо бу истироҳат боғидаги ваҳший ҳайвонлар кўринишини Африка чангалзорларида ҳам топиб бўлмаслиги, уларнинг қип-қизил тиллари ташқарига бир қарич осилиб, қўзларидан олов пурқаб турганини кўрганда, ёш бола нари турсин, катта одамлар ҳам сесканиб тушади. Ваҳший жониворлар қайдан келиб қолди, уларни бу ерга қўйишга рўхсат берганлар маънавий таҳдид ортида нималар турганини тасаввур эта оладиларми-йўқми?

Бундай мулоҳазаларнинг чек-чегараси йўқ.

Зўравонлик, маънавий бузуқлик, терроризм балоси бутун дунёга таҳдид солиб турган бугунги таҳликали замонда бундай офатларни ўзимиз тарғиб қиладиганимизни қандай изохлаш мумкин? Яна қандай жойда денг — ёш авлоднинг маънавий тарбиясида аҳамияти юксак бўлган истироҳат боғида! Одамлар ҳордиқ чиқариш учун вақт топиб борадиган масканда! Мазкур истироҳат боғининг ҳар қадамида, ҳор бурчаги-

ғояларни илгари сургани учун алоҳида аҳамият касб этади. Буюк адиблар ва санъаткорлар бундай образлардан ўзларининг эзгу мақсадларини, умумбаشارий ғояларини инсониятга тақдим этиш учун фойдаланишган. Ўзбек халқининг сеvimли шоири Гафур Ғулом номи берилган истироҳат боғидаги шаклу шамоийилару суратлар, қўрқинчи махлуқлар ўтакани ёриб юборадиган “ужас” фильмлардан ўтса утадики, асло қолишмайди. Албатта, уларни ҳам бу ерга мақсадсиз олиб келинган деб бўлмайди. Бу ҳодисанинг туб сабаблари, илдизларига етиш учун эса зийраклик ва ҳушёрлик билан бир қаторда, жонқуярлик ҳам талаб этилади.

Тошкент метросининг Чилонзор йўналишидаги Мирзо Улуғбек бекати ёнида жойлашган мазкур масканда буюк астроном олим обсерваториясининг макетларини, асарлари муқовалари суратларини, урушин оғир йилларида “Кўзим усти миннатинг бошимга дурра” дея, минглаб етим болаларни бағрига олган ўзбек халқининг матонатини қулаган Гафур Ғуломнинг бекиёс сатрларини ёзиб қўйиш шунчалик қийин ишми?

Истироҳат боғларининг миллий қиёфаси, бундай масканларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини таърифлашга суз ожиз. Давлатимиз раҳбарининг “Мафкура соҳасида бўлишқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, дом маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан топа олмаса, бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излай бошлайди”, деган сўзлари замиридаги ҳақиқатни мутасадди ташкилотлар, маънавият ва маърифат тарғиботчилари — кенг жамоатчилик амалга ошириши фурсати алақачон етгани истироҳат боғлари мисолида ҳам намойён бўлмоқда. Йигирманчи аср бошида яшаган буюк мутафаккир Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур”, деган даъваткор сўзлари замиридаги ҳалокат ҳам, фалокат ҳам ҳали узоққа кетгани йўқ. У ёнгинангизда. Ишонмасангиз, ташқарига чиқинг ва теварак-атрофингизга серграқоқ боқинг.

Шойим БЎТАЕВ.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами яқинлашиб келаётгани муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«МУСТАҚИЛЛИК — 27»

Омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой.
Хисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.
Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталардаги 30 дан ортик турдаги муддатли омонатларни қулай шартларда таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-82-37, 120-82-98, 120-82-65.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтохур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	150-93-86	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Андижон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарҳод» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Қўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-367)	226-43-11

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ қафолатланади;
— эғалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини қафолатлайди!



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.



ООО «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетоносмеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:

MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетоносмеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:

СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.



Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.

Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ қўйидаги маҳсулотларни такдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 63 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР КОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 42 600 сўм/п.м.

• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 77 972 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонал (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўтказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририятнинг марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-йў.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Навбатчи — Д. Каримов.

Мушаххис — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топпирилли — 23.55 1 2 3 4 5 6